



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 5 апрель, № 66 (7024)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 апрель куни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлили ва галдаги энг муҳим вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Илгари тадбиркорликни йўлга қўймоқчи, бирор фирма ёки корхона очмоқчи бўлган одам ҳужжат тўғрилаш жараёнида сарсон-саргардон бўларди. Нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун ҳам баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келарди.

Бугун ҳам қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги давлат хизматлари кўрсатишда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада экани ва қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сакланиб қолгани асосси молиявий харажатларга, фуқароларнинг ортқича кутиб қолиши ва навбатлар юзга келишига, бу эса, оқибатда баъзан коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида инсон манфаатлари бош мезон сифатида белгилангани ҳамда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган улуғвор ғоя илгари сурилгани давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. 2018 йил 1 январдан “ягона дарча” марказлари Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказларига айлантирилди.

Бугунги кунда мазкур марказлар томонидан болаларни мактабга таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, лойиҳа ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга, яқна тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш, сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсат бериш каби хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари турини янада кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат хизматларининг ҳар бир тури “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойилига кўра, ваколатли давлат органлари, таш-

килотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштирилади.

Албатта, одамларнинг мушкуллари осон қиладиган, замонавий технологияларга асосланган бу тизим халқимизга катта қулайлик яратмоқда. Лекин ҳали жойларда айрим камчиликлар борлиги тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишда қийинчилик туғдирмоқда.

Масалан, айрим ваколатли органларда давлат хизмати кўрсатиш бўйича электрон ахборот тизими тўлиқ жорий этилмаган, идоралараро электрон ахборот алмасуви йўлга қўйилмаган. Айрим Давлат хизматлари марказлари оптик толали интернет тармоғига уланмаган.

Йиғилишда бу муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идораларга 50 та давлат хизматлари бўйича электрон ахборот тизими ва электрон маълумотлар базасини яратиш, барча давлат хизматлари марказларини оптик толали интернетга улаш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, барча марказларда электрон навбат тизимини ишга тушириш, уяли телефонлар орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имконини берадиган дас-

турлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат хизматлари марказлари биносининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва давлат-хусусий шериклик асосида замонавий қилиб қуриш, бу борада инвесторларга имтиёзлар бериш вазифаси қўйилди.

Маълумки, тадбиркорликка доир 35 турдаги лицензия ва рухсатномалар ҳукумат томонидан берилди. Бундай ўта марказлаштириш тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилади. Шу боис “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурига мувофиқ, лицензиялар ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини кескин қисқартириш ва соддалаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Кадастр ва қурилиш соҳаларида давлат хизматлари кўрсатиш қониксарсиз аҳволда экани жиддий танқид қилинди. “Ерғодезкадастр” қўмитасига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда қўчмас мулк объектларининг кадастр ҳужжатларини электрон тартибда юриштиш, кадастр гувоҳномаларини қоғозда эмас, балки электрон реестрдан кўчирма шаклида бериш амалиётини жорий этиш вазифаси топширилди. Шунинг-

дек, барча рухсатнома ва лицензияларни электрон тизим орқали тақдим этиш имконини берадиган “Лицензия” ахборот комплексини жорий йил май ойига қадар тўлиқ ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2021 йилгача 5 миллиондан зиёд ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига алмаштириш зарур. Бироқ бу бўйича ҳар бир вилоятда 3-4 та, мамлакатимизда жами 49 та тузилма бор, ҳолос. Эндиликда ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириб бериш ҳам Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Бунинг учун ушбу марказларга йўл ҳаракати хавфсизлиги вакили бириктирилади.

Сайёр қабулларда билдирилган тақлифларни инобатга олиб, Адлия вазирлигига Тошкент давлат юридик университетининг бакалавр босқичига ҳужжатларни жойлардаги давлат хизматлари марказлари орқали топширишни тажриба тариқасида жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда соҳага масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ў.А.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



РЕКРУТИНГ ФАОЛИЯТИ

Мамлакатимизда бандликка кўмаклашишнинг замонавий механизми ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Дастлаб Президентимизнинг жорий йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон — Буюк Британия: Манфаатли ва ишончли ҳамкорлик

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси ва Евросий Global TV Саусис гуруҳи ўринбосари, баронесса Элисон Сатти бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Меҳмонларга 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида рўйбга чиқарилаётган тизимли ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Сўнгги ярим йил мобайнида парламентда амалга оширилаётган бекхёс ўзгаришлар, чунончи, Олий Мажлис ҳузурида ташкил этил-

ган Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, қўйи палатадаги Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси, Оила ва аёллар ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссиялар фаолияти тўғрисида батафсил ахборот тақдим этилди. Шу билан бирга, хорижий парламентлар билан ҳамкорлик қилиш доирасида тузилган парламентлараро гуруҳлар, режалаштирилаётган истиқбол-лий лойиҳалар хусусида ҳам қизғин фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).



Нигоҳ

«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ОЧИЛМОҚДА»

Россиянинг нуфузли “Коммерсантъ” газетасида чоп этилган мақола шундай номланди.

Мақола муаллифи Кирилл Кривошеев ўтган ҳафталарда Ўзбекистонда қатор муҳим воқеалар бўлганини қайд этди. Хусусан, мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати томонидан “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун маъқулланганини алоҳида кўрсатиб ўтган. Журналист мазкур Қонун Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 14 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилганини билдирган.

Яқинда Тошкентда ўтказилган Афғонистон бўйича юқори даражадаги конференция мамлакатнинг янги имижини яратиш бора-сидаги муҳим қадам сифатида эътироф этилади. Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистон билан алоқалари сўнгги

йилларда жадал ривожланаётганини айтилар экан, Кирилл Кривошеев мазкур анжуман республика учун бу йўналишдаги илк муваффақиятлардан бири бўлганини таъкидлайди.

Расмий Тошкент амал қилаётган янги ёндашувда

Афғонистон таҳдидлар макони эмас, балки имкониятлар манбаи сифатида қаралмоқда, деб ёздаи муаллиф. Ушбу давлат Марказий Осиё мамлакатлари учун қулай транзит худуди сифатида хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистон бу борада катта

мақсадлар сари интилаётганини маълум қилиб, “Коммерсантъ” мухбири, жумладан, қўшни давлат билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 3 миллиард АҚШ долларига етказиш бўйича режаларни юқори баҳолайди.

Кейинги вақтларда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада мустаҳкамланиб, ушбу жараённинг “ҳаракатлантирувчи кучи” ўзбек дипломатиясига амалга ошираётган жадал чора-тадбирлар эканлиги мақолада алоҳида ифодаланади.

(Давоми 3-бетда).



«2301-модда. Далилларни сохталаштириш (қалбақлаштириш)»

Исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида гаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлгон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намён бўладиган сохталаштирилиши (қалбақлаштирилиши), —

энг кам ойллик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуддан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) шахсни ушлаб туришга, қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга ёки жиноий жавобгарликдан озод этишга, ҳукм қилишга ёхуд оқлашга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуддан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Давоми 2-бетда).



Янгиликларга бой мулоқот майдони

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Озиқ-овқат саноати — WorldFood Uzbekistan — 2018” халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Халқаро кўргазма



✓ Халқаро кўргазмага дунёнинг 26 давлатидан ишлаб чиқарувчилар, тадбиркор ва ишбилармонлар таширф буюрди.

✓ Ўзбекистон — Беларусь халқаро форуми икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кенгайишига хизмат қилади.

✓ “Сифат устаси” танловида 30 га яқин маҳсулотлар сифати синовдан ўтказилди.

Ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамловчи муҳим мулоқот майдони. Мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган халқаро кўргазмаларга шундай таъриф берсак арзийди. Зотан, бундай тадбирлар орқали нафақат янги маҳсулот ёки асбоб-ускуналар намойиш этилаётти, балки саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатишига қулай муҳит яратилмоқда.

“Ўзэкспомарказ” мажмуасида бўлиб ўтаётган “Озиқ-овқат саноати — WorldFood Uzbekistan — 2018” халқаро кўргазмаси ҳам шундай муҳим форумлар сирасига киради.

3



«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ОЧИЛМОҚДА»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Хусусан, Тожикистон билан муносабатлар аста-секин тикланмоқда. Аввалига Шавкат Мирзиёев мамлакатларaro ҳаво қатновининг йўлга қўйилишига эришди, сўнгра давлат чегаралари бўйича баҳсли масалалар ҳал қилинди, кейин эса икки мамлакат

фуқаролари учун визаларни 30 кунгача бекор қилиш борасида келишувлар имзоланди”, дея хабар беради “Коммерсантъ” газетаси.

Бир пайтлар анча мураккаб аҳволга тушиб қолган Ўзбекистон — Қирғизистон алоқалари ҳам “янги ўзан томон юзланди”. Бу ҳақда фикр юритар экан, журналист яқинда

Фарғонада икки давлат чегарадош вилоятлари раҳбарлари кенгашининг биринчи ййгилиши ўтказилганини мамнуният ила қайд этади. Томонлар ушбу йўналишда улкан салоҳият мавжудлигини англаган ҳолда, ўзарo ҳамкорликни йўлга қўйиш учун шахдам қадамлар билан олға бормоқдалар.

“Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида шаклланган ўзарo ишончсизлик тоғи қуламоқда”, дея таърифлайди Кирилл Кривошеев ва Ўзбекистон ушбу жараёнда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини таъкидлайди.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

«Обод қишлоқ» дастури одамларимизда дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлайди

Ҳозир ислохотлар шиддат билан амалга оширилаётгани учун ҳаётимизда ҳар кун қандайдир бир муҳим ўзгариш, янгилик бўлаяпти. Бунни кўпчилик ўз турмушида ҳам яққол ҳис қилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармони қўйиб, бундай ўзгаришлар энди жадаллашишига қатъий ишонч ҳосил қилдик. Сабаби, аксарият соҳаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар кўпроқ марказда, шаҳар ва туманларда ўз самарасини кўрсатиб, янгилик қўйи бўғинларга тушгунча анча вақт ўтар, бунни одамлар ўз ҳаётида сезиши учун кўп кутишига тўғри келарди.



Сенатор мушоҳадаси

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармониға кўра, энди энг чекка қишлоқлар ҳам барча инфратузилма яратилган гўшаларға айланади. Бунда ҳар ким ўзи яшайдиган уй, маҳалла ва қишлоқни ободонлаштиришда ҳиссасини қўсса, юртимиз янада обод бўлади, обод юртда яшайдиган одамлар кайфияти яхши бўлиши таъминланади, деган қараш устувор аҳамият касб этмоқда.

Назаримизда, ушбу муҳим қадам беҳиз ташлангани йўқ, Фармонда қайд этилганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демография, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланганиға қарамадан, улар учун зарур шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишға етарлиқ эътибор қаратилмаган. Сўнгги йилларда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштиришда ҳиссаси юқори бўлган деҳқон-фермерларнинг ва бошқа тоифадағи аҳолининг ҳаётий-маиший эҳтиёжлари

тўлиқ таъминланмаган. Бундай ҳолат қишлоқ аҳоли пунктларини тубдан қайта янгиламасдан ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантирмасдан, мамлакатимизни тараққий толган давлатға айлантиришға тўсқин бўлаётгани рўйирист айтилди.

Давлатимиз раҳбари қундақунора юртимиз ҳудудларига таширф буюриб, хонадонма-хонадон юрибди. Қишлоқларда яшаётган одамларнинг яшаш шароити, ҳақиқий аҳолини ўз кўзи билан кўриб, муаммоларға очик юз билан боқмоқда. Халқимиз билан мулоқотларнинг самараси эса ана шу Фармонда яққол намоён бўлди.

Энди мазкур Фармон билан жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб юртимизнинг ҳар бир тумани ва шаҳарида, авваламбор, олис ва табиий иқлим шароити огир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан қишлоқ (маҳалла)да аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашға, мазкур ҳудуд-

лар қиёфасини замонавийлаштиришға ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратиш чоралари кўрилиши белгиланди. Республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига аҳоли ишончли тарзда ичимлик сув билан таъминланади. Қишлоқларни туман маркази билан боғлайдиган йўллар қурилади, реконструкция қилиниб, таъмирланади. Лизинг асосида қишлоқ ва туман маркази орасида автобус қатнови йўлга қўйилади. Маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қишлоқ ички йўллари ва пйёдалар йўлакларини барпо этилиб, таъмирланади. Йўлбўйлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилади. Санитария ишшоотлари ва ирригация тизимлари барпо қилинади, автобекатлар қурилади. Умуман, электр таъминоти, алоқа тизими, аҳолиға суутилирилган газ ва кўмир ёқилисини узлуксиз етказиб бериш масалалари ҳал этилади. Боғча, мактаб ва оилавий поликlinikалар қурилади. Бозор инфратузилмаси объеклари, сервис шохобчалари, ҳаммомлар барпо қилинади.

Президентимиз яқинда

Янгиликларға бой мулоқот майдони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўн саккизинчи бор ташкил этилган мазкур халқаро кўргазмада Австрия, Беларусь Республикаси, Германия, Хиндистон, Индонезия, Испания, Италия, Россия, АҚШ, Туркия, Франция каби давлатларнинг 200 дан зиёд компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

Халқаро кўргазмадан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда озик-овқат саноатини ривожлантиришға кўмаклашиш, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, қайта ишлашдағи янгиликларни оммалаштириш,



соҳа вакилларини тармоқдағи илғор технологиялар билан яқиндан таништириш, экспорт имкониятларини намойиш этишдир.

— Чиндан ҳам, мазкур кўргазманинг биз, ишлаб чиқарувчилар учун фойдали томонлари жуда кўп, — дейди

пойтахтимиздағи “Sladus Produce” масъулияти чекланган жамияти вакили Муҳиддин Имомалиев. — Нега деганда, бу ерда, аввало, дунё озик-овқат саноатидағи ўзгаришлардан, кўлланалаётган илғор ишланмалардан хабардор бўламиз. Қолаверса, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни сотиш учун харидорлар, ишончли шериклар топишда ҳам унинг аҳамияти юқори.

2010 йилда асос солинган корхонамиз қанқалат маҳсулотлари ишлаб чиқаришға иқтисослаштирилган бўлиб, бу ерда дастлаб 50 киши меҳнат қиларди. Ҳозир эса жамоамиз



лар жараёнида келишувға эришдик. Экспорт географиясини кенгайтириб, Осиё, Европа ва Африка минтақасидағи бир қатор давлатлар бозорларига кириб борганимиз ишимизға янада унум бағишляпти.

Таъкидлаш керакки, бу йилги кўргазма дастури рангбаранглиғи билан алоҳида ажралиб туради. Мисол учун, унинг доирасида озик-овқат маҳсулотларини сифатлаш — “Сифат устаси” танлови ўтказилиб, турли номинациялар бўйича голиблар аниқланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш истикболлари мавзусига бағишлаб ўтказиладиган халқаро форумда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўзарo таъриба алмашади, савдо алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилади.

Туркиянинг “OSC” компанияси томонидан ўтказиладиган картошқачилик ба-

ғишланган семинар ушбу маҳсулотни етиштирувчидан тортиб, қайта ишловчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотади, албатта. Озик-овқат ишлаб чиқарувчилар ва савдо тармоқлари ўртасида маҳсулот етказиб бериш бўйича махсус музокаралар майдони яратилгани эса иштирокчилар учун айни муддаодир.

Ўзбекистон Республикаси Ташки савдо вазирилиги, “Ўзбек-озик-овқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзбек-озик-овқатзахира” уюшмаси, “Ўшаробсаноат” АЖ, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида “Itesa Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси томонидан уюштирилган “Озик-овқат саноати — WorldFood Uzbekistan — 2018” халқаро кўргазмаси уч кун давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

Шомирто ШАРАПОВ ва Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Кулайлик

Дастлабки қатновни Тошкент — Бухоро поезди бошлаб берди



Замонавий қиёфа касб этган, мутлақо янгиланган Тошкент-Жанубий темир йўл вокзалидан биринчи йўловчи поезди қадимий Бухоро шахриға жўнаб кетди.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун махсус медиатур ташкил этилди.

— Вокзал биноси ноёб маҳобати билан ҳайратға солади, — дейди Жондор туманилик йўловчи Умид Собиров. — Фақат шугина эмас, мафтункор ҳудуднинг ўзи кишиға ўзгача кайфият бағишляйди. Ён-атроф жуда гўзал. Хизмат кўрсатиш аёло даражада. Хаттоки, катта монитордан Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларини томоша қилиш имконияти яратилган. Нима дейиш мумкин, қойил ва офарин! Бошқа сўз йўқ.

Янги кўринишдағи Тошкент-Жанубий темир йўл вокзалидағи дастлабки поезд ана шундай кўтаринки кайфиятда кузатиб қўйилди.

Д. МУРОDOV.



ЭЪЛОНЛАР

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Toshshaharnur» давлат унитар корхонасига қарашли, Тошкент шахри, Сергели тумани, Қумарик кўчаси, 3-уйда сақланаётган қуйидағи (ишлатилган) мулклар қўйилмоқда:

● 30 донa 11 метр ўлчамдағи А-3 электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 381 726 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 41 451 810 сўм.

● 100 донa 9 метр ўлчамдағи МК-12 электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 200 668 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 120 066 800 сўм.

● 32 донa 13 метр ўлчамдағи КС электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 385 300 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 44 329 600 сўм.

● 234 донa 9 метр (рубленная) ўлчамдағи электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 507 100 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 352 661 400 сўм.

● 8 донa 11 метр (круглая) ўлчамдағи электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 610 700 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 12 885 600 сўм.

● 7 донa 11 метр (квадратная) СВ3 электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 071 700 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 7 501 900 сўм.

● 45 донa 11 метр ўлчамдағи СНЦ электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 734 600 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 78 057 000 сўм.

● 5 донa 9,5 метр ўлчамдағи (шестигранка) электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 565 200 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 7 826 000 сўм.

● 2 донa 11 метр ўлчамдағи СКЦ электр столбалари, ҳар бирининг баҳоси — 1 734 600 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 3 469 200 сўм.

● 880 донa ЖКУ-250 ёритқичи (светильник), ҳар бирининг баҳоси — 326 000 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 286 880 000 сўм.

● 45 донa ЖСУс 125 ёритқичи, ҳар бирининг баҳоси — 333 000 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 14 985 000 сўм.

● 320 донa ЖСУ 250 ёритқичи, ҳар бирининг баҳоси — 374 000 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 119 680 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шахри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

3074/146

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридағи

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИ

2017/2018 ўқув йилида «Тарих (Ислom тарихи ва манбашунослиғи)», «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими», «Диншунослик», «Психология (Дин социопсихологияси)», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» ҳамда «Информатика ва ахборот технологиялари» бакалавриат йўналишлари, шунингдек, «Диншунослик», «Ислom тарихи ва манбашунослиғи», «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик», «Ташқи иқтисодий фаолият (Инвестицион фаолият)», «Психология (Дин психологияси)» магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ишға жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида жорий йил 11 апрель куни соат 11.30 да университетда «Карьера кунлари» (меҳнат ярмаркаси) ўтказилиши режалаштирилган.

Карьера маркази барча корхона ва ташкилотларни ҳамкорликка чорлайди.

Иштирок этишни хоҳловчи корхона ҳамда ташкилотлар мутасаддилари қуйидағи телефон рақамлари орқали боғланишлари мумкин: (0-371) 244-94-59, (+99899) 998-81-38.

2924/154

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Эътироф

Денис ДЕЛИ, шоир ва адабиётшунос (АҚШ):

ҒАРБДА АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ ЎҚИШГА ЭХТИЁЖ КАТТА



Мухбиримиз яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлганида, Денис Дели билан учрашиб, унинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

— Қизим Женифер Дели 2001 йилда Урганчда ишларди, — дейди Денис Дели. — Мен уни кўриб келиш ниятида мамлакатингизга сафар қилдим. Мўйноқ, Орол денгизи, Самарканд, Бухоро, Хива, уларнинг маҳобатли тарихи, муқаддас қадамжолари билан танишдим. Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротларимни ўша кезларда олганман. Бир кун қизим сафар давомида Алишер Навоий шеърятини ва у яшаган замон — темирийлар даври ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг Навоий ижоди ва шеъритига қизиқиб қолдим. Кейинчалик АҚШнинг нуфузли кутубхоналарига бориб, Навоий ҳақида кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилдим.

Алишер Навоий — буюк шоирлардан бири. Италияликлар учун Данте қанча қадрли бўлса, Навоий ҳам ўзбеклар учун шунчалик буюк шахс. Қисқа вақт ичида унинг барча ижоди билан танишиш мушкул. Бунинг учун бир инсоннинг умри етмайди. Мен унинг инглиз, рус, француз тилларидаги таржима асарларини кўздан кечирдим.

Бўёқлардан яралган кўшиқ

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият карвон саройида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти магистранти Достон Қурбоновнинг “Бўёқларда менинг кўшигим” номили илк кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тасвирий санъат

Она табиатнинг бетакрор манзаралари, фаслларнинг инжа гўзаллиги, болалик ҳақидаги хотиралар, миллий қадриятларимиз ёш расомга илҳом бахш этган, десак, муболага бўлмайди. Негаким, ёш мўйқалам устасининг “Умр” триптихи, “Болалик куйи”, “Наврўзи олам”,

ра оладиган кўнгрл боғининг боғбони” дея таъриф беради ва “Лисон уг-тайр” асарини инглиз тилига таржима қилди. Булар қаторига “Фарҳод ва Ширин”ни украин тилига таржима қилган шоир Николай Бажан, поляк таржимони Януш Кжиговскийни ҳам қўйиш мумкин.

Навоий ижоди шунчалик серқирраки, унинг таржимасига қўл уриш учун, аввало, ислом дини ғояси ва қарашлари, туркийлар маданияти, яшаш

ратнинг 21 ғазалини инглиз китобхоналарига тақдим этдим. Бор имкониятимни ишга солдим. Тўпلامдаги баъзи ғазаллар таржимасида анча қийналдим, буни тан оламан. Чунки уларда ишқий тўйғулар замирида илоҳий ишққа ишора мавжуд. Икки ҳолатни ҳам таржимада етказиб бериш нихоятда қийин. Навоий ижодининг ўзига хос жиҳати аслида мана шунда, деб ўйлайман.

Китоб нашр этилган, унга бўлган

қизиқиш ошиб кетди. Ўзимдан сўровчилар ҳам кўп бўлди. Натижада имкон қадар уни кўпроқ таржима қилиш керак, деган хулосага келдим.

Қизимнинг ўзбек, рус тилларини билиши менга Навоий ғазалларининг инглиз тилидаги бадий матнини яратиш имконини берди. Таржимам мукаммал даражада, деб айтолмайман. Бироқ шоир ижодини имкон борича тезроқ америкаликларга, оз бўлса-да, етказа олдим.

Албатта, Навоий асарларини инглиз тилига янада кўпроқ таржима қилиш учун менга инглиз ва ўзбек тилини пухта биладиган ҳамкорлар керак. Ўзбек олимлари ва адабиётшунослари билан ҳамкорлик қилиш ниятидаман. Чунки Гарвардда илмий тадқиқот олиб борган кезларимда университет кутубхонасида Навоийнинг турк тилидаги таржимасини кўрганман. Хали ўранилганим йўқ. Навоийдек улуг ижодкорни қарб-ликларга кўпроқ таништириш учун эса менинг кичик таржима китобим денгиздан бир томчи, холос. Одамлар уни кўпроқ ўқиша дейман.

Навоий ҳақида кўпроқ билишларини истайман. Бунинг энг асосий сабаби, Ғарб дунёсининг умуминсоний ғоялар, фалсафа ва ишқ, аслиятга интилиш, сўфизм, нақшбандия ғояларини ўз шеъритида акс эттира олган Алишер Навоийдек шоирлар ижодини ўқишга эҳтиёжи катта.

«Халқ сўзи» мухбири
Элёржон ЭЎСОНОВ ёзиб олди.
АҚШ, Массачусетс штати

Мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилди

Каттақўрғон туманидаги “Жумабой”, “Навбахор” ва “Мўндин” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда замонавий кўпайликларга эга, ҳар бири 50 ўринга мўлжалланган 3 та мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Эртамиз эгалари учун қилинаётган бундай ғамхўрликлар барчамизни қувонтиради, — дейди Навбахор маҳалласи Муллақичкина қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Самад Ризаев. — Болагидан яхши таълим-тарбия олган ўғил-қизлар бошқача бўлади. Эзгу фазилатларини намоён қилади.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи

Китобхонлик

Иброҳимжон Ғафоров 2 март куни Хатирчи туманидаги фаоллар зали минбаридан тушаркан, унинг Юртбошимиз билан мулоқотини ҳаяжон ила кузатаётган иштирокчилар кўнглидан беихтиёр бир савол ўтган бўлса, ажабмас.

— Ким экан у, кимнинг боласи?
Иброҳимжоннинг падари бузруквори Қобил Абдуллаев “Навоийазот” акциядорлик жамиятида машинист бўлиб ишлайди. Онаси Шарифа Абдуллаева — уй бекаси. Улар Кармана туманидаги Айрончи маҳалласида истиқомат қилишади.

Маънавий хазинага йўл топган бола

Мабодо, Абдуллаевларнинг уйи қидириб бориlsa, дуч келган маҳалла ахлидан “Ўғли ғазалхон Қобилнинг хонадонин”, дея сўралгани маъкул. Шунда яқиндагина қуриб битказилган шинам ҳовлини кўрсатишади. Дарвозахонада турган “Спарк” автомашинасига “Президент совғаси” деган сўзлар битилган.

Ҳовлидаги саранжом-саришталик ушбу оила аъзоларининг ижод ва нафосатга яқинлигидан далолат беради. Кафтдеккина томорқага дид билан ишлов берилган. Албатта, бундай муҳитда тарбия топган бола гўзалликка интилади. Китобга ошно тутини, келажagini ўз имкониятларидан ахтаради.

кўздан кечириб, ўқиган китобларини сўрадим. Жавобидан сюжетта қизиқувчанлигини англаб, беш-олти асарни тавсия этдим. Шуларни мутолаа қилса, ёзувчи ёки шоирнинг бадий маҳоратидан баҳра олишини ўқитрдим.

Кўп ўтмай, Иброҳимжон оддий китобхондан ижодкорга айланди. Кечалари кўнғирок қилиб, асарларда учратган ташбеҳ ва топилмаларини баҳам кўра бошлади.

И. Ғафоровнинг камолотида биринчи ўқитувчиси Нилуфар Остонава ҳамда синф раҳбари Озгул Нурматованинг муносиби ҳис-

юздан ортиқ ғазаллари ёд бўлиб кетди.

“Соғ танда — соғлом ақл”, дейди халқимиз. Иброҳимжон синфдоши Исожон Отақулловнинг ўндоғи тўғайли спортнинг қўл жанги тури билан ҳам шуғулланади. 2015 йилда мазкур спорт тури бўйича тенгдошлари



— Иброҳимжонга тўрт ёшлигидан ҳар оқшом эртақ ўқиб берардим, — дейди унинг онаси Шарифа Абдуллаева.

— Уч-тўрт китобимиз ёд бўлиб кетганди. Мудраб бораётганида отайин бир-икки хатбошисини ташлаб ўқийман. Уйку тўла кўзларини очиб, эртакнинг мен қолдириб кетган бўлагини ёддан айтиб, тўғрилаб қўярд.

“Болаликда олинган билим — тошга уйилган нақш”, дея бежиз таърифланмайди. Шу сабаб юртимизда келажак авлод таълим-тарбиясига қаратилган эътибор эндиликда мактабгача таълим муассасаларини ҳам қамраб олиб, комил инсон зийнатларини мазкур даргоҳлардаёқ шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Қаҳрамонимизнинг болалиги тенгқурлариникига ўхшаш. Фарқи шундаки, озгина қизиқш ҳам аниқ мақсадлар сари йўналтирилган.

— Иброҳимжон тўғарагимизга илк бор келганида учинчи синфда ўқирди, — дейди “Кармана овози” газетаси қошидаги “Чашма” ёш ижодкорлар тўғараги раҳбари Одил Ҳотамов. — Сермулозамат болакайнинг машқларини

салари бор. Мухими, ҳар иккиси ҳам оддийгина педагог бўлиб қолмасдан, шеърини машқларини даврий нашрлардан мунтазам чоп этиб турадиган ижодкор устозлардан.

— Навоийнинг “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам”, деган шох сатрларини илк бор устозларимдан тинглаб, ҳазрат шеъритига қизиқишнинг орти, — дейди И. Ғафоров.

Шунинг баробарида, шоир асарларида илгари сурилган ғоялар мени фаолликка, вақтинг қадрига етишга ундади. Ҳазрат ғазалларини тушуниш қийин кечиб, устоз Одил Ҳотамов тавсисига кўра, қайта-қайта ҳижолаб ўқирдим. Шу тахлит шоирнинг

орасида тенгсиз бўлиши, яъни мамлакат чемпионлигини қўлга киритиши шунчаки омад эмас, балки тинимсиз машғулотлар самарасидир.

Бу йил 15 ёшли қаршилаган Иброҳимжон вилоятда Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиғига муносабати билан ўтказилган II анъанавий халқаро конференция доирасидаги танловда голибликни қўлга киритиб, Президент совғаси — “Спарк” автомобили билан тақдирланди.

Ўз-ўзига талабчанлик — инсон камолотининг гарови. И. Ғафоров сингари ёшлар эса юрт таянчи, эл гурури. Ватан келажаги уларнинг бахту қамоли билан белгиланади. Президентимиз ғамхўрликлари тўғайли бу авлод наинки эрта, бугуннинг ҳам фаол соҳибларига айланаётгани кишини қувонтиради.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Азамат ЗАРИПОВ олган сурат.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

МУХАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари кафедраси: доцент (2), катта ўқитувчи (5), ассистент (2).

2. Гидрогеология ва геофизика кафедраси: кафедра мудири, профессор (1), доцент (1).

3. Маркшейдерлик иши ва геодезия кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (2), ассистент (1).

4. Кончилик иши кафедраси: доцент (3), катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

5. Металлургия кафедраси: катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

6. Кончилик электромеханикаси кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (2), ассистент (1).

7. Кўмир ва қатламли конлар геотехнологияси кафедраси: ассистент (1).

8. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси: катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

9. Геология, минералогия ва петрография кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (1).

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

2. Электр таъминоти кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (3), ассистент (1).

3. Гидравлика ва гидроэнергетика кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

4. Иссиқлик энергетикаси кафедраси: профессор (2), доцент (2), катта ўқитувчи (3), ассистент (1).

5. Электр механикаси ва электр технологиялари кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1).

6. Электр машиналари кафедраси: кафедра мудири, доцент (2), катта ўқитувчи (1).

7. Альтернатив энергия манбалари кафедраси: катта ўқитувчи (1).

8. Энергетика тизимларини бошқариш ва назорат қилиш кафедраси: профессор (1).

9. Электр техникаси кафедраси: кафедра мудири, доцент (2), катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

1. Машинасозлик технологияси кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

2. Ер усти транспорт тизимлари кафедраси: катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

3. Хизмат кўрсатиш техникаси кафедраси: кафедра мудири, доцент (1), ассистент (1).

4. Энергия машинасозлиги ва касб таълими кафедраси: кафедра мудири.

5. Чизма геометрия ва компьютер графикаси: кафедра мудири, профессор (1), катта ўқитувчи (2).

6. Олий математика: доцент (6), катта ўқитувчи (2), ассистент (3).

МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Қуймакорлик технологиялари кафедраси: ассистент (1).

2. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: кафедра мудири, доцент (1), катта ўқитувчи (1).

3. Назарий механика ва машина ва механизмлар назарияси кафедраси: ассистент (1).

4. Материаллар қаршилиги ва машина деталлари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (1), ассистент (2).

5. Умумий физика кафедраси: доцент (4), катта ўқитувчи (1).

МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Аэронавигация тизимлари кафедраси: ассистент (1).

2. Ҳаво кемалари ва жиҳозларини техник эксплуатацияси кафедраси: катта ўқитувчи (1).

3. Радиотехник қурилмалар ва тизимлар кафедраси: кафедра мудири, доцент (1), катта ўқитувчи (1).

4. Саноат дизайни кафедраси: кафедра мудири, доцент (1), катта ўқитувчи (2).

5. Биотехнология кафедраси: доцент (1).

6. Биотибиёт муҳандислиги кафедраси: катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

7. Корпоратив бошқарув кафедраси: доцент (1).

8. Умумий кимё кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (1).

ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари кафедраси: профессор (2), доцент (1), ассистент (1).

2. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси: профессор (2), катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

3. Рақамли электроника ва микроэлектроника кафедраси: кафедра мудири, профессор (1), доцент (2), катта ўқитувчи (2), ассистент (2).

4. Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси кафедраси: катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

5. Ахборот технологиялари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (3), ассистент (2).

ФАКУЛЬТЕТЛАРА УМУМТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ

1. Ўзбекистон тарихи кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1).

2. Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (5).

3. Педагогика ва психология кафедраси: кафедра мудири, доцент (1).

4. Жисмоний тарбия кафедраси: ассистент (2).

5. Тиллар кафедраси (ўзбек ва рус): доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1).

6. Чет тиллар кафедраси*: катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (2).

*Эслатма: чет тиллар кафедраси лавозимларига танловда CEFR халқаро тест тизими даражасига эга ёки IELTS ва TOEFL халқаро тест тизимларининг тенглаштирилган кўрсаткичлари ҳақидаги сертификатларни олган педагог-ҳодимларга имтиёз берилишини эслатиб ўтаимиз.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва иxtи\rо\rлар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур университетда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 418, 211-хоналар.

Телефонлар: (0-371) 246-60-00, 246-81-42, 246-61-17.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 445. 113 532 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Телефонлар:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзбекистон (0-371) 232-11-15.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

153N 6030-6768

4 772030 676004

Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров. Навбатчи — Д. Каримов. Мусахҳих — С. Исломов.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6